

Бозорларнинг яқинлашиши қиёматнинг аломатларидандир



17:54 / 19 февраль 3365

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан қиёматнинг аломатлари ҳақида кўплаб ҳадислар ворид бўлган. Ўша аломатларнинг кўпларини шу бугунги кунларимизда кўриб турибмиз. Буларни кўргач, ибрат олишимиз, огоҳ бўлишимиз, охират учун, Аллоҳ таолога йўлиқиш учун тайёргарлик кўришимиз керак.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деган:

مُّمِّي لَعَلَّ اَعْيَ مَسَل وُهَو ت آل ل ل ل ج ا ن ا ف ل ل ل ا ا ق ل و ج ر ي ن ا ك ن م

“Ким Аллоҳга рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, албатта, Аллоҳ белгилаган вақт келгувчидир. У ўта эшитгувчи ва ўта билгувчидир” (Анкабут сураси, 5-оят).

Бошқа бир оятда бундай деб марҳамат қилган:

ا د ح ا و ب ر ة د ا ب ع ب ك ر ش ي ا ل و ا ح ل ا ص ا ل م ع ل م ع ي ل ف و ب ر ا ق ل و ج ر ي ن ا ك ن م ف

“Бас, ким Роббига рўбарў келишни умид қилса, яхши амал қилсин ва Робби ибодатига биронтани шерик қилмасин” (Каҳф сураси, 110-оят).

Ушбу мақолада қиёмат аломатлари зикр қилинган ҳадислардан бирини ўрганамиз.

رهظت ىتح ةعاسلا موقت ال : ملسو وهىلع هللا لوسر لاق : لاق ةريره يبا ن ع
(دمحأ مإلا هاور) "نامزلا براقتي وقاوسألا براقنتو بذكلا رثكي و نفللا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **“Токи фитналар зоҳир бўлмагунча, ёлғон кўпаймагунча, бозорлар яқинлашмагунча ва замон яқинлашмагунча қиёмат қоим бўлмайди”**.

Имом Аҳмад ривояти.

Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадиси шарифда ўзлари яшаб турган саодат асрида одамларга маълум бўлмаган ишлар ҳақида хабар бермоқдалар.

Шундай қилиб бу ҳадисда биз кўриб, бошимиздан кечириб турган тўрт нарса ҳақида хабар беряптилар:

1. Фитналарнинг зоҳир бўлиши, кўпайиши.

Келинг, биргаликда мусулмонлар кўпчиликини ташкил этадиган Сурия, Яман, Ироқ, Афғонистон, Фаластин каби давлатларга назар солайлик. Дунёда бўлаётган урушлар, қотилликлар, нотинчликлар, қон тўкилишлари, асосан ўша давлатларда юз бермоқда. Нега? Чунки биз мусулмонлар динимиз таълимотларидан узоқлашиб қоляпмиз, дунё ҳаёти бизни алдаб, Аллоҳ таолога йўлиқишимиздан чалғитмоқда, Унинг зикридан ғафлатда қоляпмиз. Натижаси эса мазкур фитналар, урушлар. Ушбу фитналарнинг кўриниши, кўпайиб бораётгани қиёматнинг аломати бўлиб, бу ҳақида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам юқоридаги ҳадисда хабар берганлар.

2. Ёлғоннинг кўпайиши.

Ёлғоннинг кўпайиши, кенг ёйилиб бораётгани бугунги давр уламоларини ташвишга солмоқда. Ҳатто улар ёлғонни фош этадиган қурилмалар яшаш, ишлаб чиқариш мақсадида миллионлаб долларларни сарф қилмоқдалар. Ҳар куни интернет оламидаги ёлғонларни кўриб, эшитиб турибмиз. Минглаб сайтлар, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар, каналлар, телевизорларда берилаётган кўплаб хабарлар ёлғон маълумотларга тўлиб ётибди. Фирибгарлик, найранг, ҳийла, алдов йўллари ҳам кўпайиб кетган. Бугунги кунимизда одамлар орасида бир-бирини алдаш одатий ҳол бўлиб боряпти. Бундай мусибат севиқли Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам яшаган даврда содир бўлмаган эди. Шундай бўлгач, у зот

бугунгидек ёлғон қўрқинчли равишда бутун дунёда кенг ёйилишини қаердан билиб айтдилар экан? Албатта, Аллоҳ таоло у зотга бунинг хабарини бергандир!

3. Бозорларнинг кўпайиши ва яқинлашиши.

Бугун истаган шаҳарга бориб, унинг бирор кўчасида юрсангиз, ёнма-ён дўконларни кўрасиз. Бугунги кунда уларни “супермаркет”, “гипермаркет” деб юритиляпти. Бизга маълумки, “маркет” сўзи “бозор” деган маънони англатади. Битта шаҳарнинг ўзида кўплаб шу каби маркетлар ишлаб турибди. Одамлар аста-секин деҳқон бозорларига бориш ўрнига мазкур маркетлардан, савдо дўконларидан маҳсулотлар харид қилмоқдалар. Ҳатто ушбу дўконлар инсонларнинг уйлари ёнида очилиб, узоқ йўл юришларига ҳам ҳожат қолмаяпти. Бундай супермаркетлар, бошқача қилиб айтганда, замонавий бозорлар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бирорта инсонга маълум эмасди, хаёлига ҳам келмаган эди. Хўш, унда у зот алайҳиссалом 21-асрга келиб, шундай дўконлар кўпайиб, ёнма-ён бўлиб фаолият юритишини қаердан билиб айтдилар экан? Албатта, бу ҳақида у зотга Аллоҳ таолонинг Ўзи хабар бергандир!

4. Замон, вақтнинг яқинлашиши.

Ўтмишда битта мактуб бир шаҳардан бошқасига етиб бориши учун ойлаб вақт кетган. У пайтларда мактублар отлар, туялар воситасида манзилларга етказилар эди. Лекин бугунги кунга келиб, битта мактубни бир сонияда манзилига етказишимиз мумкин. Энди бир хабарни бир жойдан иккинчисига етказиш учун кўп вақт сарфлашнинг ҳожати қолмади. Олдинлари бир шаҳарда содир бўлган воқеа ва урушлар ҳақида ойлаб йўл босиб, бошқа юртларга хабар берилган бўлса, ҳозирги кунда бир шаҳарда бўлаётган ҳодисани тўғридан-тўғри кўриб, эшитиш мумкин бўлиб қолди. Бунинг учун телевизор ёки радиони ёқиш етарли.

Мана шулар вақтнинг яқинлашгани эмасми?!

Бундан ташқари вақтлар ҳам тез ўтяпти. Ҳозир деярли барча инсонлар вақтнинг қисқариб бораётганини, йиллар ойдек, ойлар ҳафтадек, ҳафталар кундек, кунлар соатдек ўтаётганини эътироф этмоқда.

Хўш, телевизор, радио ва интернет бўлмаган пайтда Набий соллаллоҳу

алайҳи васаллам келажакда вақт яқинлашиши ва қисқаришини қаердан билиб айтдилар экан?! Албатта, у зот алайҳиссаломга бунинг хабарини Аллоҳ таоло бергандир!

Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам юқоридаги ҳадисда супермаркетлар, хабарни тез юбориш воситалари бўлган – телеграм, фейсбук, ватсап каби ижтимоий тармоқлар, улардаги мессенжерлар, телефондан қисқа хабар (SMS) юборилиши ҳамда вақтнинг қисқариб бориши ҳақида ўша даврдаёқ хабар беряптилар.

Энди Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликларини инкор этадиганларга савол: **“Муҳаммад исмли инсон бундан 1400 йил олдин юқорида айтилган, бугун ўз тасдиғини топиб бораётган нарсаларни қаердан билиб айтганлар? У кишига буларни ким ўргатган?”**

Жавобни ўзимиз берамиз: **“Юқорида хабари берилган нарсаларни у зот алайҳиссаломга Аллоҳ таоло билдирган! Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, у кишининг рисолатларининг ростлигига далил бўлиши учун мазкур ғайбий ишларнинг хабарини бергандир!”**

**Абдуддоим Каҳелнинг мақоласи асосида
Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 25 январь 03-07/400-сонли хулосаси асосида тайёрланди.